ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ:

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

7 (337)

2003 йил 19 февраль

ЧОРШАНБА

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

50-кун

2 ▼

* «Обод маҳалла йили» дастури: маҳаллалар фаолиятида янги имкониятлар белгиланди.
* Иқтисодий ислоҳотлар - тараққиёт омили.

3 ▼

* Маросимларимизни маъно ва моҳиятига қараб саралаш фурсати етди.
* «Чарлар»дан воз кечсак-чи?

4 ▼

* Маҳалла, мактаб, оила ҳамкор бўлса, тарбия аъло бўлур.
* Индамас қассобнинг «иқрори».

Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг ҚАРОРИ

2003 йил 17 февраль

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада:

кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, саноатда 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 миллион АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорида тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардошли маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришлар ишга туширилди;

иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиши камаймоқда;

корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида - қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда, коммунал хизмат кўрсатишда ва умуман иқтисодиётда иқтисодий ислоҳотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, ҳали мантиқий якунига етказилмаган, бу эса амалда кўрилаётган чора-тадбирлар самарасини пасайтирмоқда.

Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқариш принципларига риоя этилмаяпти. Уюшма ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттиришмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига ниҳоятда сусткашлик билан мослашмоқда. Паст сифатли, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда.

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш ниҳоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотлар якунларини танқидий кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ҳал этилиши учун 2003 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар жамланадиган, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги пала-партишликни тугатиш ва, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш;

хусусийлаштиришда расмиятчиликдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав сармоясида давлатнинг улушини тубдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, хўжалик бирлашмаларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқартириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймаслик, товарларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўлдирилишини таъминлаш, савдони ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришни рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

(Давоми 2-бетда).

Оила спорти

ҚУЛАМАЛИК СПОРТЧИЛАР СУЛОЛАСИ

... Бундан беш йил бурун Лазизбек Зокиров Венгрияда ўтказилган халқаро турнирда ғолиб чиққанди. Олтин медални қўлга киритган Лазизбек ғалабаси шарафига олис мамлакат узра давлатимиз мадҳияси янграган эди. Бу унинг бокс мусобақалари бўйича жаҳон рингидаги янги ғалабаси эди. У мана шу рингда туриб африкалик Аҳмад Добрини, италиялик Пабло Видасни, хитойлик Абдул Дуснини доғда қолдирганди.

Айни кунда Лазизбек Зокиров Жиззах туманидаги Қулама қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилади. Унинг номи тилга олиниши билан кишиларнинг кўз олдига оилавий спортчилар хонадони келади. Отаси Мамажон Зокиров олим, Жиззах Давлат педагогика институти қошидаги иқтидорли болалар лицейи ўқитувчиси, Ўқутистон автоном республикасида ўтказилган бокс бўйича мусобақа ғолиби. Акаси Улуғбек Зокиров шу лицей ўқитувчиси, республикамиз бокс мусобақаларида қатнашиб, спорт устаси номини олган мураббий, укаси Жасур Зокиров Жиззах педагогика коллежида ўқитувчи, спорт турлари бўйича республика мусобақалари иштирокчиси. Онаси Муяссар Зокирова, Ҳамид Олимжон номли мактабда раҳбар. Бу мактаб спортчилари республика «Светофор» ўқувчилар мусобақасида фахрли иккинчи ўринни эгаллагани учун енгил автомашина билан тақдирланган.

Зокировлар хонадонини ҳақли равишда спортчилар сулоласи деб атаса бўлаверади. Бобоси Зокир Норматов ҳам спорт ишқивози бўлган, хўжаликларда қорабайир зотли отларни кўпайтириб, кўпкари-улоқни ривожлантиришга ҳисса қўшганлардан, амакиси Марат Зокиров номдор волейболчи. Спортга қизиқиш бу сулолада шунчалар илдиз отганки, айтиб тугатаолмайсиз.

Қулама қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Умар Тўраев бундай оилалар қишлоқда ягона эмаслиги ҳақида фахрланиб гапиради. У Диёр Файзиев, Баҳром Сиддиқов, Сойиб Зуҳуров, Ҳасан Зуҳуров, Абдумурод Султонов, Аскар Султонов каби ўнлаб номи узоқ-узоқларга кетган спортчиларни тилга олиб ўтди. Фуқаролар йиғини ҳудудида оз эмас 15 та спортчилар оиласи бор экан.

Бугунги кунда нафақат Қулама фуқаролар йиғини ҳудудида, балки туманда, вилоятда ҳам оилавий спортни ривожлантиришга шароит яратилмоқда. Вилоят марказида спортнинг жуда кўп турлари билан шуғулланиш имконини берадиган спорт мажмуи очилгани айни муддао бўлди. Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллиги арафасида Отчопар стадиони фойдаланишга топширилди. Ёпиқ сув спорти саройи, халқаро талабларга жавоб берадиган теннис корти бунёд этилди. Энг асосийси, бу тадбирлар Президентимизнинг оилавий спортни ривожлантириш бўйича бераётган кўрсатмаларига акс садо бўлмоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Mahalla» мухбири.
Жиззах вилояти

Обод маҳалла йили тадбирлари: *ҳашар*

КЎПЛАШИБ КЎТАРГАН ЮК - ЕНГИЛ БЎЛАР

Қадимдан аждодларимиз ариқлар қазиган, қудуқлар кавлаган, дарё ўзанларини ўзига бўйсундирган. Бу мураккаб юмушларнинг барчаси - одатимиз бўйича ҳашар йўли билан амалга ошириб келинган. Хоҳ қишлоқда, хоҳ маҳаллада бўлмасин уюштирилган ҳашарларда қатнашганлар оқсоқоллар бошчилигида ариқ-анҳорларни тозалашган, гулзорлар, хиёбонлар барпо этишган, боғу роғларга асос солишган, табаррук қадамжолар, қабристонларни тартибга келтиришган. Бева аёллар, ночор оилалар, якка-ёлғизлар учун маҳалла аҳли бирлашиб уй қурганлар, экин ерларини ҳайдаб, дон сочиб берганлар.

Ана шундай удумлар шарофати ила Учқўрғондан Конибодомгача чўзилган 270 километрли Катта Фарғона канали энг тиғиз муддатда ишга туширилди. Бундай анъаналар ҳозир ҳам ўз мазмун-моҳиятини йўқотгани йўқ. Ҳашарлар қишлоқ, қўрғонча, маҳаллаларни қамраб олиб, янгича шаклда давом этаётир. Яқинда хизмат сафарида бўлганимизда Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари йўналишидаги магистрал йўллар чеккалари, боғлар, ишкомзорларда кўкламги тадбирлар, умумхалқ байрами Наврўзга тайёргарлик ишлари қизғин кетаётганининг шоҳиди бўлдик. Айниқса, Бухоро шаҳридаги муқаддас қадамжо - Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари мажмуи ва унинг атрофини қайта таъмирлаш, ободонлаштириш юмушларида банд бўлган уста-ю ҳашарчилар гайрат-шижоати қалбларда фахр ҳиссини уйғотди.

Баҳор ҳам яқинлашмоқда. Шу муносабат билан республика «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлимлари, туман, шаҳар бўлинмалари, қишлоқ ва маҳаллалар фуқаролар йиғинларида «Наврўз» байрамига ҳозирлик кўриш бўйича ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлигини ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Уларнинг аксарияти Обод маҳалла йили Дастуридаги талаб ва мажбуриятларга ҳамоҳанглиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Чунончи, пойтахтимизнинг Ҳамза тумани «Маҳалла» жамғармаси тадбирларидан 10 минг туп мевали, 20 минг туп манзарали ҳамда 30 минг туп бута кўчатларини экиш, меҳнат ва уруш фахрийлари, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам бериш, бундан ташқари, хайрия тадбирларини ташкил этиш каби юмушлар ўрин олган. Сирғали туманида юқорида таъкидланган ишлардан ташқари, маҳалла ҳудудларидаги ноқонуний қурилган иморатлар, савдо ва маиший хизмат шахобчаларини бартараф этиш, кўчалардаги асфальт йўллар, спорт майдончаларини таъмирлаш, кўчаларни ёритишдаги камчиликларга барҳам бериш, ариқ-зовурларни тозалаш ва сув келтириш сингари тадбирлар белгиланган. Фарғона водийсида эса, ҳар йилдагидек бу сафар ҳам озодалик ва ободончилик борасида ўзаро беллашувлар ўтказилади.

Қисқаси, мамлакатимиз бўйлаб кенг тус ола бошлаган ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларининг аксарият қисми аждодларимиздан меърос бўлиб қолган, ҳозирда ҳам ардоқланиб келинаётган меҳр-оқибат, ҳурматга асосланган бебаҳо удум - ҳашар йўли билан амалга оширилажак.

Дилфуза МАМЕДОВА,
Фарғона Давлат Университети талабаси.

МАҲАЛЛАМИЗНИНГ ЧЕМПИОН БОЛАЛАРИ

Амударё туманидаги маҳаллаларда сўнгги йилларда кўпгина ибратли ишлар қилинаётир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши ҳам айнан маҳаллалардан бошланади. Бу борада эса туманимизда катта тажриба тўпланган. Ўтган йилнинг ўзида иккита футбол ва волейбол майдончалари қурдик. Бундай майдонлар сонини туман бўйича 126 тага етказдик. «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Футболимиз келажаги», шахмат-шашка, теннис ва спортнинг қолган тўрт турлари бўйича ёшлар ўртасида мусобақалар ўтказилди. Аслида, амударёлик полвонлар нафақат Қорақалпоғистонда, балки мамлакатимизда ҳам ўзининг фахрли ўрнига эга.

1992 йили ташкил топган туман Каратэ-до федерациясида ҳам кўпгина ютуқларга эришиляпти. Федерация Президенти Илҳом Эримбетов билан учрашганимизда, у шундай гапларни айтди:

- Федерациямиз ташкил топганига ўн бир йил бўлди. Эришган натижаларимиздан мамнунмиз. Шу давр ичида беш нафар спорт устаси, олтмишдан ошиқ спорт усталигига номзодлар етишиб чиқди. Ўтган йилнинг биринчи чорагининг ўзидаёқ 10 нафар биринчи разрядли, 6 та халқаро турнир чемпионлигини эгаллаган спортчилар етишиб чиқди.

Айни кунларда 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг каратэ тўгарагида Қорақалпоғистон, мамлакат ва халқаро турнирлар чемпионлари Шаҳноза Ёдгорова, Акбар ва Сарвар Тожибоевлар, Лочинбек Йўлдошев, Илвир ва Элдор Эримбетов, Акжон Худойберганов, Феруза ва Дилфуза Дусбоева, Баҳром Бекбердиев сингари 250 нафар иқтидорли ёшлар мунтазам шуғулланмоқдалар. Улар кураш сирларини мукаммал ўрганишмоқда.

Ҳа, истак бўлса, имкон ҳам топилади. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, амударёлик ёшларда изланиш иштиёқи баланд, улар спортнинг бирор тури билан шуғулланишга доимо вақт топишади. Маҳаллаларда эса спортчи ёшлар сафи кун сайин кенгаймоқда.

Туркманбой ЎРОЗБОЕВ, «Маҳалла» жамғармаси Амударё тумани бўлинмаси раиси.



КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИС

21 февраль куни Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раёсатининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтади.

Унинг кун тартибидан «Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг 2002 йилдаги фаолияти тўғрисида»ги, «2003 йил - «Обод маҳалла йили» дастури ижросини ташкил қилиш ва амалга ошириш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг 2003 йил фаолияти режа-тадбирлари тўғрисида»ги масалалар, тафтиш комиссияси ахбороти ўрин олган.

Шунингдек, мажлисда мамлакатимиз Президенти томонидан илгари сурилаётган оила спортини ривожлантириш чора-тадбирлари хусусида ҳам алоҳида тадбирлар белгиланиши кўзда тутилган.

Тавсиялар маъқулланди

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач минглаб қадриятларимиз, асл урф-одатларимиз, янгидан қарор топмоқда.

Кейинги йилларда қадриятларимизни тиклаш ва улуғлаш, буюк аждодларимиз ўтган қадамжоларни обод қилиш, уларнинг меросини ўрганиш борасида янгидан-янги, самарали ишлар амалга оширилмоқда, ўзлигимизни тобора чуқурроқ англамоқдамиз.

Лекин шунга қарамасдан миллий қадриятларимизни сохталаштиришга олиб келаётган, урф-одатларимиз ниқоби остида тўй-ҳашам ва маърака маросимларимизни катта дабдабаларга, базму жамшидларга айлантириб, ҳаётимизга кириб бораётган ўта хунук хатти-ҳаракатлар жамиятимизга доғ туширмоқда, бундай одатлар айрим одамларимизга мансуб бўлган шуҳратпарастлик, дабдабабозлик, ўзини кўз-кўз қилиш мақсадида ўтказаётган тадбирларда намоён бўлмоқда. Бу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Обод маҳалла йили дастури тўғрисида"ги қарорида ҳам қайд этилган.

Ушбу масалани Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси ва Республика Хотин-қизлар қўмитаси "Маънавият ва маърифат" маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ҳар томонлама ва чуқур ўрганиб, билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни таҳлил қилиб, тўй-маърака ва бошқа маросимларни тартибга солишга қаратилган Тавсиялар ишлаб чиқдилар. Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Республика Хотин-қизлар қўмитаси қўшма қарори билан бу Тавсиялар маъқулланди.

Ушбу Тавсиялар газетамизнинг 3-саҳифасида эълон қилинмоқда.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги

00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Кабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: **136-53-75**
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

«Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида

Маҳалланинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш, аҳолини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасида 2003 йил – «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. «Обод маҳалла йили» дастури тасдиқлансин.

Мазкур дастур:

маҳалланинг давлат ва жамият бошқарувидаги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги роли ва мақомини янада мустаҳкамлашга;

маҳалла фаолиятининг амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга, унинг ваколатларини кенгайтиришга ва фуқаролик жамияти институти сифатидаги масъулиятини оширишга;

маҳалла фаолиятининг моддий базасини мустаҳкамлашга, маҳалла ҳудудида тадбиркорликни, хизматлар кўрсатиш ва савдо соҳаларини ривожлантиришга, шулар ҳисобига янги иш ўринлари барпо этишга;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга, унинг ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, болалар ва спорт майдончаларини жиҳозлашга, коммунал тармоқларни ривожлантиришга;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдамни ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлашни кучайтиришга;

кекса авлодга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга;

маҳалла аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатилишини яхшилашга, болалар спортини ривожлантиришга;

маҳалланинг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи, ижтимоий адолат, ўзаро меҳр-оқибат ва маънавий-ахлоқий тарбия билан боғлиқ миллий қадрият ва урф-одатларимизни кенг тарғиб қилиш, уларни асраб-авайлаш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш жамғармаларини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсинлар, фуқаролик ҳолати актларини қайд этганлик учун давлат божининг бир қисмини ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғим ва бошқа тушумларни мазкур жамғармаларни маблағ билан таъминлаш манбалари этиб белгиласинлар.

3. «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар ушбу дастурда кўзда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминловчи аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, компаниялар ва агентликлар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари:

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида манфаатдор идоралар ва тузилмаларни жалб этган ҳолда, «Обод маҳалла йили» дастурининг қандай бажарилаётганини муҳокама қилиб, тегишли чора-тадбирлар кўриб борсин;

йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича дастур топшириқларининг ҳисобот даврида бажарилиши натижалари тўғрисида чоракдан кейинги ойнинг 7-санасигача Республика комиссиясига таҳлилий ахборотни тақдим этсин.

5. «Маҳалла» хайрия жамғармаси Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Дин ишлари бўйича қўмита, Маданият ишлари вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда тўй-маъракa ва бошқа маросимларни анъаналаримизга хос тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика комиссиясига тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситаларига «Обод маҳалла йили» дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг маъно-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтириш, уларни амалга ошириш борасида қилинаётган ишларни холис ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлагонов зиммасига юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 7 февраль

Вазирлар Маҳкамасининг «Обод маҳалла йили» дастури тўғрисида»ги қарорига ШАРҲ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Юртбошимиз томонидан 2003 йил мамлакатимизда «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди.

Президент Фармойиши билан «Обод маҳалла йили» дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича республика комиссияси тузилди. Мазкур комиссия давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, маҳаллалар вакилларини кенг жалб этган ҳолда маҳаллаларимиздаги мавжуд муаммолар, қилиниши лозим бўлган ишларни атрофлича ўрганиб, йил давомида амалга оширилиши зарур бўлган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий тадбирларнинг комплекс дастурини ишлаб чиқди.

Мазкур Дастур етти йўналишдаги ҳаётий муҳим масалаларни ўз ичига қамраган. Улар қаторига, жумладан:

маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

маҳалланинг моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

маҳаллаларда тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва савдони, кичик бизнес соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринларини барпо этиш;

маҳалланинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, болалар ва спорт майдонларини жиҳозлаш, йўллар, кўчалар ва коммунал тармоқларни яроқли ҳолатда сақланишини таъминлаш;

маҳалла томонидан кам таъминланган оилаларга аниқ йўналишли моддий ёрдам кўрсатиш ва ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш;

кекса авлод вакилларига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш;

маҳаллалар аҳолисига тиббий ва санаторий-курорт хизмати кўрсатишни яхшилаш, болалар спортини ривожлантириш;

маънавий-ахлоқий тарбия масалаларида маҳалла фаоллигини ошириш вазифалари киради.

«Обод маҳалла йили» дастури доирасида:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш махсус жамғармаларини ташкил этиш;

кам таъминланган ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг рўзғор хўжалигини йўлга қўйиб олишига кўмаклашиш мақсадида тижорат банклари ва турли жамғармаларнинг кредитларини кенг жалб этиш;

кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, жумладан, 950 та маиший хизмат шохобчалари ташкил этиш орқали 160 минг янги иш ўринлари яратиш;

республикадаги 433 маҳаллада 2,6 минг км. газ тармоқларини барпо этиш, 436 маҳаллада эса 1720 км. сув қувурлари ётқизиш орқали аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик сув билан доимий таъминлаш;

12500 минг кв.м. уй-жой фондини мукаммал таъмирлаш ҳисобига маҳалла аҳолисининг яшаш шароитини яхшилаш, 500 маҳалладаги 1000 км.дан ортиқ йўлни таъмирлаш, асфальтлаш ва ободонлаштириш, замонавий маҳалла гузарларини барпо этиш;

ҳар йили 20 минг нафаргача фахрийларимизнинг санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклаш;

мухтож кексалар ва ногиронларни протез-ортопедия буюмлари, аравачалар, эшитиш ва кўриш мосламалари билан имтиёзли таъминлаш;

узоқ қишлоқ ва овулларда яшайдиган аҳолини тиббий-ижтимоий потранаж хизмати билан қамраб олишни кенгайтириш;

маҳаллалардаги 16 ёшгача бўлган болаларни барча давлат спорт иншоотларига бепул қатнашига имконият яратиш сингари кўплаб муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Юртбошимиз томонидан кўп маротаба эътибор қаратилаётган муҳим маънавий-маърифий масалалар: анъанавий удумлар, тўй ва маъракалар ҳамда бошқа маросимларни тежамкорлик билан ўтказиш бўйича маҳалла фаоллари, имом-хатиблар, маданият ходимлари, хотин-қизлар қўмиталарига тадбирлар ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

«Обод маҳалла йили» дастурини тўла амалга ошириш учун 375,9 миллиард сўм маблағ, шу жумладан, 169,5 миллиард сўм давлат бюджети ҳамда корхоналар, бюджетдан ташқари жамғармалар, нодавлат ташкилотлари, халқаро ташкилотлар грантлари ва кредит маблағлари жалб этилиши мўлжалланган.

Дастурнинг ҳаётга тўла татбиқ этилиши ва юқоридаги олижаноб мақсадларга эришиш эса мутасадди ташкилотлар, идоралар, маҳалла фаоллари ҳамда кенг аҳолининг яқин ҳамкорликда фаолият юритишига чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

(Боши 1-бетга)

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

4. Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), бошқарувнинг тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслигига, корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни танлаш ишларининг сустлигига қаратилсин.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар кўрилишини;

хусусийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чорагида мониторинг тизими жорий этилишини;

қимматли қоғозлар билан битишувлар фақат уюшган фонд бозорида тузилишини, савдоларнинг ошкоралиги ва қулайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини хўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувига бериш амалиётини бекор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибини ва уларнинг масъулиятини аниқ тартибга солувчи, хусусийлаштирилган корхонани корпоратив бошқариш механизмини аниқ регламентловчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова):

Олий хўжалик суди (Абдусаломов) билан биргаликда Иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгартириш бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларида молиявий аҳволни соғломлаштириш ишларини фаоллаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳокимият органлари балансига бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгартириш дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар кўриб ишлаётган хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулкини баҳолаш механизмини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, бир ой муддатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар - қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга ўзгартиришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари барча даражаларда шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мавсум оралиғидаги даврда агротехника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илғор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хорижий мамлакатларга юборишни амалда кенг қўлласин.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига паррандачиликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустаҳкамлашни ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришни назарда тутсин.

10. Молия вазири М.Нурмуродов бошчилигидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелигача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий баҳоласин ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. «Давархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдолари расмиятчилик билан ўтказилишини бартараф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимида, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импортнинг ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий силжишларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К.Тўлаганов) бир ой муддатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда айниқса газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларни мукаммал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолоқликни тўлдиришни ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини табиий газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масалалари бўйича Давлат божхона қўмитаси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдони тартибга солишга, республика ҳудудида улгуржи базалар, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Ҳукумат қарорлари бажарилишини кўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қуйидагиларнинг:

«Кўмир» акциядорлик бирлашмаси (Клименко), «Махсусқотишма» республика ташкилоти (Шарипов), «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Набиев), «Ўзкимёсаноат» (Ҳасанов), «Ўзбекнефтгаз» (Мажитов), «Ўзбекенгилсаноат» (Исмоилов) компаниялари раҳбарларининг эътибори - корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлигига, экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганлигига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангирберганов), Андижон (Обидов), Бухоро (Хусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақулов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдураҳмонов) ҳокимларининг эътибори - коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарзларни камайтириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов бошчилигида республикада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўз ходимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлаши мумкин бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия:

икки ой муддатда кадрлар, энг аввало ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хорижий компанияларни ҳамда бошқа хорижий шерикларни, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамини жалб этиш юзасидан фаол иш олиб борсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузсинлар ва икки ой муддатда:

махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ходимларини аттестациядан ўтказсинлар ҳамда аттестация натижаларига кўра уларнинг профессионал таркиби кучайтирилишини ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касб даражасининг ўқитувчиларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва касб тайёргарлигини оширишлари учун шарт-шароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Ўрганиш натижаларига кўра ҳар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вужудга келган аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог кадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёргарликдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига кўра уларга тоифалар бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар.

19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Каромatов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Ҳўжаев), «Ўзтелерадио» компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шогуломов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холисона, малакали ва чуқур ёритиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб этсинлар;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ихтисослашаётган журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этсинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Бегалиев), «Ўзагромашсервис» уюшмаси (Нишонов), «Ўзқишлоққўжаликмаш-холдинг» компанияси (Матчонов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса - ғалла ўрим-йиғим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғиштириш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги экиш мавсуми бошлангунга қадар коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғўзани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартигача юқори классли уруғлик чигит тайёрлаб қўйилишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси
Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси

Республикада мавжуд анъанавий удумлар, тўйлар, таъзия маъракалари ва бошқа миллий маросимлар ва уларни замон талабларига жавоб берадиган тарзда, ихчам ҳамда тежамкорлик билан ўтказишга қаратилган

ТАВСИЯЛАР

НИКОҲ ТЎЙИ ВА УНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Кичик ва катта фотиҳа

Бугунги кундаги ҳолати:

Қуда томонга (келин ёки куёвникига) йўқлов юборилади. Тўй куни, уни ўтказиш тартиби ва унинг бошқа жиҳатлари аниқланади. Ушбу тадбирда 10-15 киши қатнашади.

Тавсия этилади:

Бу маросимни ўтказишдан мақсад кексалар фотиҳасини олиш ва тўй кунини ва тартибини белгилашдан иборат.

Тўй фотиҳаси икки қуда томонидан маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этиладиган маросим кенгаши билан келишган ҳолда ўтказилади. Бунда патир ушатиш, оқлик бериш, тўй кунини белгилаш ишлари ортиқча харажатларсиз ўтказилади ва ҳар икки қуда томонидан яқин қариндош ва қўни-қўшниларга маълум қилинади.

Фотиҳа қилиш маросими ортиқча дабдабавозликларсиз, ихчамлаштирилган ҳолда фақат икки қуда иштирокида ўтказилади ва тўй куни белгиланади.

«Тўй бериш» ёки келин томонга «Тўй юбориш»

Бугунги кундаги ҳолати:

Келин томонга куёв тарафдан 4-5 та вакил тўй олиб келади:

- келин томонидан берадиган ош масаллиқлари (1-2 та қўй, қопларда ун, гуруч, сабзи-пиёз, ёғ);
- 40 тадан кам бўлмаган тоғораларда турли пишириқ ва овқатлар;
- келинга сарполар;
- пиширилган ош;
- транспорт харажатлари.

Келин тарафдан:

- ҳар битта тоғорага иккита ва ундан ортиқ тоғора қўшиб юборилади;
- куёвга сарполар;
- тўй олиб келган кишиларга чопон кийгазилади ва тугун берилади.

Тавсия этилади:

Икки қуда томонидан тўй харажатлари келишиб олинади.

Келин ва куёвларга қилинадиган сарполар меъёрдан ошмаслиги, ёшларга бериладиган оилавий анжомлар фақат янги оиланинг мустақил шаклланиб бўлганига қадар етарли даражада бўлиши зарур.

«Сабзи тўғраш» маросими

Бугунги кундаги ҳолати:

Ушбу тадбирда 10-15 кишидан тортиб то 100 кишигача иштирок этади. Ўтиб кетган аждодларга атаб қуръон ўқилади (худойи). Шунингдек, санъаткорлар ҳам таклиф қилиниб, спиртли ичимликлар билан кичик базм сифатида ўтказилади.

Тавсия этилади:

Тўй дастурхонини ёзишдан олдин «сабзи тўғраш» маросими оила аъзолари, яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар билан ўтказилади.

Никоҳ оши

Бугунги кундаги ҳолати:

Бу маросимда 400-600 кишига дастурхон ёзилади (қўшни маҳаллаларда яшовчилар, куёв тарафидан 100 ва ундан ортиқ меҳмонлар). Қудаларга тақдим этиладиган чопонлар сони 10 тадан ошиб кетмоқда.

Тавсия этилади:

Никоҳ ошини бериш маросимига асосан қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ва дўст-ёрларни таклиф этиш зарур. Қудаларга сарпо тақдим этиш удуми оилавий тадбирларда амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Никоҳ оши ихчамлаштириб, пешинда ўтказилиши тавсия қилинмоқда.

Расмий никоҳдан ўтиш маросими (ФҲДЁдан ўтиш)

Бугунги кундаги ҳолати:

Куёв ва унинг 8-10 нафар дўстлари келин чиқадиган хонадонга боришади. ФҲДЁ идорасида никоҳ қайд этилганидан сўнг куёв ва келин, уларнинг дўст-дугоналари сайр қилишади, ундан кейин кафе ёки ресторанларда меҳмондорчилик ўтказилади.

Тавсия этилади:

Расмий никоҳни қайд этиш никоҳ тўйи маросимида ўтказилиши тавсия қилинади.

Қиз базми (никоҳ тўйидан аввал келиннинг уйида ўтказиладиган тадбир)

Бугунги кундаги ҳолати:

Келиннинг дугоналари, қариндошлари, қўшнилар таклиф қилинади (санъаткорлар иштирокида кичик тўй сифатида ўтказилади).

Тавсия этилади:

Ушбу маросимни ўтказмаслик.

Куёв навкар

Бугунги кундаги ҳолати:

Никоҳ базмидан аввал куёв ва унинг дўстлари келинникига карнай ва сурнай садолари остида боришади. Келиннинг хонадонида улар учун дастурхон безатилади. Куёв ва унинг дўстлари меҳмон қилинади, ош берилади ва куёвга зар чопон кийдирилади. Келин ва куёвнинг никоҳлари домла-имом томонидан қайд этилади.

Тавсия этилади:

Ушбу тадбир куёвнинг энг яқин дўстлари учун ташкил қилиниши зарур.

Куёв ва унинг дўстларини келиннинг уйида кутиб олишини ихчамлаштирилган ҳолда ўтказиш тавсия қилинади.

Никоҳ тўй

Бугунги кундаги ҳолати:

Никоҳ базмида камида 250-300 нафар киши иштирок этади. Тўй дастурхони турли ноз-неъматлар билан безатилади. Базм кечасида хизмат қиладиган санъаткорлар бир неча гуруҳдан иборат бўлиб, уларда миллийлик аломатлари сезилмайди. Тўй олиб борувчи пул йиғиб олиш мақсадида қудаларни, келин-куёвни рақсга таклиф қилади. Базмда спиртли ичимликлар керагидан ортиқ қўйилади.

Тавсия этилади:

Никоҳ базми маҳаллаларда ташкил қилинадиган маросим кенгашлари билан келишган ҳолда ихчамлаштирилган тарзда ўтказилиши керак.

Никоҳ базми иштирокчилари 150-200 кишидан ошмаслиги, санъаткорлар бир гуруҳдан иборат бўлиб, улар томонидан тўй тадбирларининг юқори маданий-бадиий савияда уюштирилишини таъминлаш зарурдир.

Ушбу тадбирда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ урф-одатлари, фолклор жанрлари (ўлан, лапар, ёр-ёрлар, маросим қўшиқлари), рақслар, ўйин-мусобақалар, дуолардан фойдаланиш - ёшларнинг маънавий камол топиб улғайишида катта аҳамиятга эга.

Никоҳ базми икки қуда томонидан келишилган ҳолда ва маҳалла тавсияларини инобатга олган ҳолда ихчам ва сермазмун қилиб ўтказилади.

Никоҳ базми давомида «пул қистириш» маън қилинади.

«Келин салом» маросими (никоҳ базмидан кейинги ўтказиладиган тадбир)

Бугунги ҳолати:

«Келин салом» маросимида куёвнинг яқин қариндош-уруғлари совға билан кўрмана беради. Бунга жавобан келин тараф ҳам совға қайтаради (20-30 нафар киши қатнашади). Кейинги вақтларда «келин салом» маросимининг кафеларда ўтказилиши русум бўлмоқда, унда иштирокчилар сони ҳам, тақдим қилинадиган совғалар сони ҳам тегишли равишда ошиб кетмоқда.

Тавсия этилади:

«Келин салом» маросими ихчам тарзда келин тушган уйда фақат яқин қариндошлар иштирокида ўтказилиши тавсия қилинади.

«Уч кунлик» маросим

Бугунги кундаги ҳолати:

Келин тушган хонадонга никоҳ тўйининг учинчи куни келиннинг ота-онаси уйидан «уч кунлик» йўқлови юборилади (тоғораларда ош, қовурдоқ ва бошқа озиқ-овқатлар). Ушбу тадбирга қўни-қўшнилар таклиф қилинади.

Тавсия этилади:

Ушбу маросимни ўтказмаслик.

«Чарлар» ёки оилавий танишув

Бугунги кундаги ҳолати:

Никоҳ кунидан кейинги учинчи кунда куёв томонидан 30-50 нафар аёллардан иборат меҳмонлар келиннинг ота-она хонадонига ташриф буюришади. Келин тарафдан таклиф қилинган қариндош, қўни-қўшнилар билан жами иштирокчилар сони 100 дан ортиб кетади. Бу тадбир ҳам кўпчилик ҳолларда кафе ва ресторанларда санъаткорлар билан тўй шаклида ўтказилади. Ушбу маросимда ҳар бир оила аъзолари, қариндош-уруғларга сарполар берилади.

Тавсия этилади:

«Чарлар» маросимини ўтказмаслик.

Қуда чақириқ

Бугунги кундаги ҳолати:

Қуда чақириқ маросими 30-50 киши иштирокида айрим ҳолларда ресторан ва кафеларда, санъаткорлар билан ўтказилмоқда. Унда ҳар бир аёл меҳмонга кийимлик мато ва ширинликлар, эркак меҳмонга - чопон берилади. Дастурхонни безатишда исрофгарчиликка йўл қўйилади.

Тавсия этилади:

Қуда чақириқ маросими никоҳ тўйидан сўнг (15 кун ёки 1 ой ичида) фақат оилавий тартибда ўтказилиши тавсия қилинади.

Қуда чақириқ маросими оилавий тадбир сифатида дабдабавозликларсиз ўтказилиши лозим.

Ҳайитдаги «Келин кўриш» маросими

Бугунги кундаги ҳолати:

Ушбу маросим келин тушган хонадонда уч кун давомида ўтказилади. Бунинг учун келиннинг ота-онаси томонидан келин-куёвга, куёвнинг оила аъзоларига сарполар қилинади. Ҳайит дастурхонини безатиш учун 40-50 ва ундан ҳам кўпроқ тоғораларда (ёки коробкаларда) турли пишириқлар ва ноз-неъматлар юборилади. Келиннинг уйига таниш ва нотаниш қиз ва аёллар келишади, келин бир кунда бир неча маротаба кийимини алмаштириб, келган ҳар бир аёлга, қизга (ҳатто кичик ёшдаги қизларга) эгилиб салом беради. Ушбу маросим сўнггида куёв ўз дўстлари билан келиннинг ота-онаси хонадонига меҳмонга чақирилади. Бунда ҳам уларга сарпо ва совға-салом улашилади.

Тавсия этилади:

Ҳайит байрамида «Келин кўриш» маросимини ўтказмаслик, келин-куёв томонидан ота-она, қария, бетоб қариндош-уруғларнинг ҳолидан хабар олиш, тарихий обидаларни зиёрат қилиш тавсия қилинади.

ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР

Фарзанд дунёга келиши муносабати билан «Қовурдоқ» маросими

Бугунги кундаги ҳолати:

«Қовурдоқ» - келин биринчи фарзанди билан туғруқхонадан чиққан куни ўтказиладиган маросимдир.

Кейинги вақтларда ёш она ва бола туғруқхонадан бир нечта чет эл русумидаги машиналарда, видеокамераларда тасвирга олган ҳолда олиб чиқилмоқда. Келиннинг онаси ўз қариндош-уруғлари, куёвнинг қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилари билан ёш она-болани кутиб олишади. Дастурхондаги қовурдоқ ва бошқа ноз-неъматларни келиннинг онаси олиб келади.

Тавсия этилади:

Туғруқхонадан она ва болани олиб чиқишда бундай ортиқча дабдабавозликларга барҳам бериш зарур.

Фарзанд туғилганидан то 40 кун ўтгунга қадар чилла даври ҳисобланади. Аньанага кўра, она ва чақалоқ ушбу даврда уйдан чиқмаслиги, болали уйга бегона қадам босмаслиги ва чиллали уйда чироқ ўчмаслиги керак. Ушбу давр ўтганидан сўнг келин ўз боласи билан ота-онасиникига ташриф буюриши мумкин.

«Қовурдоқ» маросимини тиббиёт нуқтаи назаридан ҳам ўтказмаслик тавсия қилинади.

«Чилла гузарон»

Бугунги кундаги ҳолати:

Янги фарзанд дунёга келиши муносабати билан куёвнинг қариндоши бўлмиш аёллар, қўни-қўшнилари (10 киши) келиннинг ота-онаси уйига ташриф буюришади (бунда тоғораларда турли озиқ-овқатлар олиб борилади). Келиннинг ота-онаси ушбу меҳмонларни тўкин дастурхон атрофида кутиб олишдан ташқари куёвга, келинга, янги туғилган болага бош-оёқ сарпо беради, келган меҳмонларга ҳам атлас ёки бошқа мато улашади.

Тавсия этилади:

Фарзанд туғилганидан 40 кун (чилла даври) ўтгандан сўнг келин ўз фарзанди билан ота-онасиникига келади. Келиннинг ота-онаси ўз қизи ва набирасига заруратга қараб совға-салом бериши мумкин.

«Чилла гузарон»ни маросим тарзида ўтказмаслик тавсия қилинади.

«Ақиқа» маросими

Бугунги кундаги ҳолати:

«Ақиқа» маросими янги туғилган чақалоқнинг дунёга келиши муносабати билан ўтказилади. Унда азон айтилади, чақалоқнинг сочига қайчи урилади.

Кейинги вақтларда ушбу маросимда 100-200 киши қатнашмоқда (ресторан, кафеларда, санъаткорлар иштирокида). Аёллар учун «хотин оши» ўтказилмоқда.

Тавсия этилади:

«Ақиқа» маросимини ўтказишда ортиқча сарф-харажатларга, дабдабаларга йўл қўймаслик зарур. Ислом динида ақиқага аталган қўйнинг учдан бир қисми олиб қолиниб, қолган икки қисми хомлигича ва пиширилган ҳолда эҳсон қилиниши қайд этилган. Ушбу тадбирни яқин қариндошлар ва қўшнилар билан оилавий маросим сифатида ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

«Ақиқа» маросими оилавий тадбир сифатида ўтказилиши тавсия қилинади.

Бешик тўйи

Бугунги кундаги ҳолати:

Болани бешикка солиш ва бешик тўйи куёвнинг хонадонида ўтказиладиган маросим.

Унда келиннинг қариндош-уруғлари, қўни-қўшниларидан 30-50 нафар аёл бешик олиб боради. Шу билан бирга болага беланчак, каравот, аравача, турли кийим-кечак ва бошқа асбоб-анжомлар, келин-куёвга, қудаларга сарполар келтирилади. Бешик тўйи санъаткорлар иштирокида пуд сочишлар билан ўтказилмоқда. Бунда дастурхонга тортилган озиқ-овқатлар исроф қилиниши кузатилмоқда.

Тавсия этилади:

Бешик тўйини оилавий маросим шаклида ўтказилиши, унга фақат яқин қариндош-уруғлар қатнашиши мақсадга мувофиқдир. Янги туғилган чақалоққа тааллуқли бўлган кийим-кечак ва бошқа анжомларни икки қуда маслаҳатлашган ҳолда, бирга сотиб олишлари зарур ва уларни бешик тўйида ҳаммага кўрсатиш керак эмас.

Суннат тўйи

(турли жойларда турлича: «Хатна тўйи», «Чупрон тўйи», «Гулбуррон», «Қўлни ҳалоллаш», «Ўғил тўйи» каби номлар билан юритилади)

Суннат қилиш қадим замонларда ўғил болаликдан ўспиринликка ўтиш даврида ўтказиладиган инициация (жисмоний ва руҳий синов) маросимларининг бир қисми сифатида шаклланган ва кейинчалик алоҳида тадбирга айланган. Суннат иссиқ иқлимли ҳудудларда яшовчи халқлар ўртасида гигиена (озодагарчилик)га риоя қилиш усули сифатида тараққий этган.

Бугунги кундаги ҳолати:

Бугунги кунда суннат тўйи катта маросим сифатида нишонланмоқда. Ушбу тадбирни ўтказишдан аввал «маслаҳат оши», «тандир солди», «сабзи тўғраш» каби тайёргарлик ишлари ва маросимлари ўтказилади. Кейинги қисмида - меҳмон кутилади, зиёфат берилади (наҳорга ош тортилади), кечқурун базм ўтказилади.

Келиннинг ота-онаси томонидан яна боланинг ота-онасига, қудаларга, болага сарполар қилинади, айрим жойларда той совға қилинади.

Тавсия этилади:

Суннат тўйини ўтказиш шариатда буюрилмаган. Шунинг учун суннатга бағишланган тадбирни оилавий маросим шаклида ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мучал тўйи

Мучал ёши маросими - ўғил ва қизларнинг болаликдан ўсмирликка ўтиш - мучал ёшини нишонлаш маросимидир.

Бир мучалнинг айнан 12 йил қилиб белгиланиши инсон организмида 12 йилда биофизиологик ва руҳий ўзгаришлар содир бўлиши билан боғлиқдир. Қадимда, мучал ёши ўн икки йиллик бир муддат тугаб, кейинги ўн икки йиллик бошланиш даврида (яъни 12-13, 24-25, 36-37... ёшида Наврўз байрами якунларида нишонланган).

Бугунги кундаги ҳолати:

Ҳозирги кунда ушбу маросим тўй шаклида ўтказилиб, болалар, катталар, қариндош-уруғлар, қўни-қўшниларга зиёфат берилмоқда. Мучал ёшига тўлган болага сарполар, совғалар инъом этилмоқда.

Тавсия этилади:

Мучал тўйини ўтказиш шариатда буюрилмаганлиги учун ўтказмаслик.

Кумуш, олтин ва олмос тўйлар

Бугунги кундаги аҳволи:

Ўзбек оилалари ҳаётига 1960 йиллардан бошлаб олтин, кумуш ва олмос тўйлари кириб келди. Бу маросим эр-хотиннинг биргаликда 25 йил, 50 йил, 75 йил бахтли ҳаёт кечирганликлари муносабати билан ўтказиладиган маросимдир. Ушбу тадбирга асосан қариндош-уруғлар, дўст-ёрлар, маҳалла фаоллари таклиф қилинишади.

Тавсия этилади:

Кумуш, олтин, олмос тўйларни оилавий даврада ихчам тарзда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Юбилейлар ўтказиш

Юбилейлар инсон умрининг 50 ёши, 60 ёши, 70 ва ундан юқори ёшларида нишонланади.

Бугунги кундаги ҳолати:

Бу маросим кўпчилик ҳолларда оилада ўтказиладиган тўй маросимларига қўшиб ўтказилади. Айрим оилалар томонидан эса катта ош бериш (400-500 кишига), тўй сифатида нишонлаш каби ҳолатлар ҳам юз бермоқда.

Тавсия этилади:

Жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган фахрийларнинг юбилейлари яқин қариндошлари, дўстлари, фахрийлар меҳнат қилган жамоа вакиллари ва фарзандлари иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Пайғамбар ёши

Бу инсон 63 ёшга, яъни Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг ёшига етганда нишонланиладиган тадбир.

Бугунги кундаги ҳолати:

Ушбу тадбирни ўтказишда ош берилади, аёллар учун ҳам дастурхон безатилади.

Тавсия этилади:

Бундай тадбир шариатда мавжуд эмаслиги учун ўтказмаслик .

МАРҲУМЛАР ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИШГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМЛАР

Аза

Бугунги кундаги ҳолати:

Аза уч кун давомида ўтказилмоқда.

Тавсия этилади:

Жаноза маросимида энг яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар, ёру биродарлар қатнашса етарли.

Аза уч кун давомида ўтказилади. Марҳум чиқарилган уйда қозон осилмайди, овқат тортилмайди. Кўнгил сўраб келганларнинг дуо-фотиҳа қилиб кетишлари кифоя.

Уч, етти

Бугунги кундаги ҳолати:

Марҳумнинг яқинлари томонидан ўтказиб келинади.

Тавсия этилади:

Булар шариат бўйича ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлганлиги учун ўтказмаслик.

Маърака, мавлуд ўқитиш

Бугунги кундаги ҳолати:

Марҳумнинг руҳига бағишлаб 50-60 киши учун дастурхон ёзилади. Ҳар бир аёлга (50-60 киши) совун ва даструмол берилади.

Тавсия этилади:

Шариатда ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик. .

Йигирма оши

Бугунги кундаги ҳолати:

Йигирма оши кафе ва ресторанларда саҳар вақтида ўтказилмоқда (300-400 киши). Аёллар учун ҳам дастурхон ёзилади, дуои-фотиҳа ўқилади.

Тавсия этилади:

Шариатда ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик.

Қирқ

Бугунги кундаги ҳолати:

Марҳумнинг яқин қариндош-уруғлари, қўни-қўшнилар учун дастурхон ёзилади, дуо-фотиҳа ўқилади.

Тавсия этилади:

Шариат бўйича ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик.

Пайшанбалик, якшанбалик

Бугунги кундаги ҳолати:

Ҳар пайшанба, якшанба кунлари марҳумнинг фарзандлари йиғилиб, дуо-фотиҳа қилинади.

Тавсия этилади:

Шариат бўйича ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик.

Ифторлик ўтказиш

Бугунги кундаги ҳолати:

Рамазон ойининг бир кунида марҳумнинг оила аъзолари унинг руҳига бағишлаб ифторлик ўтказади.

Ушбу маросим бир соат давомида амалга оширилади. Айрим оилалар ифторликни ресторанларда ўтказмоқда. Бир соат ичида 5-10 хил овқат тортилмоқда.

Тавсия этилади:

Ифторлик фақат оилавий тадбир сифатида ўтказилиши лозим.

Қор ёғди

Бугунги кундаги ҳолати:

Биринчи қор ёққан куни маълум кишилар учун дастурхон ёзилади, дуо-фотиҳа ўқилади.

Тавсия этилади:

Шариатда ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик.

Ҳайитлик

Бугунги кундаги ҳолати:

Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг 3 куни давомида марҳум чиқарилган уйда аза тутилади. Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, таниш-билишлар кўнгил сўраб, дуо-фотиҳа ўқилади.

Тавсия этилади:

Шариатда бу тарзда ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик.

Йил оши

Бугунги кундаги ҳолати:

Йил оши кафе ва ресторанларда саҳар вақтида ўтказилмоқда. Аёллар учун ҳам дастурхон ёзилиб, дуо-фотиҳа қилинади.

Тавсия этилади:

Шариатда ўтказилиши шарт бўлмаган маросим бўлгани учун ўтказмаслик.

Изоҳ: дафн маросимлари Ўзбекистон Республикаси Мусулмонлари идораси томонидан чиқарилган Фатвога асосан ўтказилиши тавсия қилинади.

Наманган вилояти

ТАЛАБАЛАР МАҲАЛЛАСИДА

Наманган шаҳар Бобуршоҳ кўчасидаги талабалар шаҳарчасини ҳам гўёки бир маҳаллага қиёс қилиш мумкин. Наманган Давлат университетида таҳсил олаётган 532 нафар талаба истиқомат қилаётган ушбу масканга ёшларнинг меҳрибон устози Шермуҳаммад Бегматов раислик қилмоқда.

Яқинда университетнинг педагогика факультети биносида «Ибратли оила - обод маҳалла асоси» деб номланган кечада ижтимоий психология кафедрасининг катта ўқитувчилари Носиржон Юсупов, Зарифахон Қурбонова, Тамара Тожибоева ва бошқалар маҳалла ва оила муаммолари бўйича баҳслашишга чорладилар.

Табиийки, талабалар ётоқхонасида турли шаҳар, туман ва вилоятлардан келган йигит-қизлар истиқомат қилишади. Уларнинг деярли барчаси оила қуриш остонасида. Олий маълумот олиб, етук мутахассис бўлгач, йигит-қизлар ўз маҳалларига қайтадилар. Бироқ ёшлар ўзларининг ички кечинмаларини ота-оналарига айтишга истиҳола қиладилар. Натижада фақат ота-оналарнинг раъйи билангина бўлиб ўтадиган тўйлар оқибати ҳам баъзан яхши натижалар келтириб чиқармаслиги мумкин.

Педагог ва психолог мутахассислар билан бундай қизиқарли учрашув-мулоқотлар нафақат талаба ёшлар ўртасида, балки қишлоқдаги тенгдошларимиз, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва маҳаллаларда ҳам тез-тез ўтказиб турилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Зилола МАЪМУРОВА, НамДУ талабаси.

Ота-она ва фарзанд...

Олти ой ҳукмдорлик

ёки падаркуш шаҳзодалар ҳақида

Мана «Мавзиатномаи Кайковус» номи билан машҳур бўлган «Қобуснома» асари яратилганлигига 900 йилдан ошди.

Кайковус Унсур-Ул-Маолийнинг мазкур китоби қирқ тўрт бобдан иборат бўлиб, дастлабки тўрт боб диний масалалар хусусида, қолган қирқ боб асосан ҳаётий тамойиллар ҳақидадир. «Қобуснома» 1432 ва 1705 йилларда турк тилига, 1787 йили уйғур, 1881 йили татар, 1886 йили немис тилларига таржима қилинган. Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан эса 1860 йили ўзбек тилига ўгирилган.

«Қобуснома» асарининг ота-онани ҳурмат қилиш ҳақидаги бобида муаллиф шундай ёзади:

«Эй, фарзанд»! Ота-онанинг кўнглини ранжитма, уларнинг қалбини азоблама! Ота-онанинг ҳақига (ҳеч бўлмаганда) ақл ва мурувват юзасидан риоя қил... Сен уларга нисбатан ноўрин иш қилсанг, ҳеч қачон яхшиликка сазовор бўлмайсан. Чунки ота-онанинг яхшилигини билмаган кимса бошқа бировнинг яхшилигига ҳам баҳо бера олмайди. Мерос олиш ҳирси билан ота-онангнинг ўлимини асло истамагил!»

Маълумки, тожу тахт, мерос учун айрим фарзандлар ўз падару бузрукворини ҳам жонига қасд қилишгача бориб етганлар. Аммо тарихий манбалар ва ривоятларда айтилишича, қайсики фарзанд ўз падари жонига қасд қилган бўлса, ўзи ҳам олти ойдан ортиқ тахтда ўтира олмаган. Масалан:

1. ШЕРУЯ - сосонийлар сулоласига мансуб шоҳлардан, Эрон шоҳи Хусрав Ҳнинг набираси, Қубод Ҳнинг ўғли. У 628 йили ўз отасини ўлдиртириб, тахтни эгаллайди. Бироқ орадан олти ой ўтмай вабодан вафот этади.

2. МУСТАНСИР - Аббосий ҳукмдорлардан, Ҳорун ар-Рашиднинг эвараси. У 861 йилда отаси Мутаваккил ибн Муътаасимни ўлдиртириб, тахтга чиқади. Аммо олти ой ўтмай, ўзи ҳам ажал топади.

3. АБДУЛЛАТИФ - Темурийзода Шоҳруҳнинг набираси. У 1449 йили отаси Улуғбекни ўлдиртирган. Орадан олти ой ўтиб, ўзи ҳам хиёнат қурбони бўлган.

Ушбуга хулоса ўрнида яна «Қобуснома»дан ўқисак:

«Эй, фарзанд! Ақл юзасидан билгилки, ота-онанинг иззат ва ҳурматини бажо келтирмоқ лозимдир, чунки фарзанднинг асли ота-онадир!..»

Ал-Қаъма воқеаси

«Отамиз мезбон эди, оҳ, онамиз мезбон эрур,
Зор этиб ҳар иккисин, меҳмон билан ювворамиз!»

Фарида Афрўз

Ривоят қилишларича, жаноби Расулуллоҳ (С.А.В.)нинг яқин саҳобаларидан бирининг исми ал-Қаъама эди. У кўп вақт шариат йўлида дину ислом равнақи учун чин дилдан хизмат қилган, бу йўлда жасур, довюраклиги билан шуҳрат қозониб, катта эътибор топганди. Ҳамма уни жаннатий одам даражасида кўрар эди. Мушриклар билан бўлган навбатдаги жанглардан бирида ал-Қаъама оғир яраланди. Ўлими аниқ бўлса-да, ажал олдидан келтириладиган «Ло илаҳа иллаллаҳ...»ни айтарга тили айланмай, кўп азобланар, жони ҳам қаттиқ қийналар эди. Бу ҳолатни Муҳаммад (С.А.В.)га маълум қилиб:

- Ё, Расулуллоҳ! Ал-Қаъама жон таслим этиш арафасида, лекин шаҳид бўлаётган ул зот сўнгги нафасларида калима келтира олмай кўп азоб тортмоқда, - дедилар.

Расулуллоҳ (С.А.В.) ўйлаб туриб, ал-Қаъамани танийдиган, биладиган одамларнинг барчасини бир ерга тўплашни буюрдилар. Ҳамма йиғилгач сўрадилар:

- Аё, умматларим! Чин юракдан айтингиз, барчангиз ал-Қаъамадан розимисиз?

Ҳамма бир овоздан уч бора:

- Розимиз! - дея жавоб бердилар.

Расулуллоҳ шундан сўнг ал-Қаъама ётган ҳужрадан хабар олишни буюрдилар. Саҳобалар бориб кўрдиларки, ҳеч ўзгариш йўқ - у ҳануз азобда.

Шунда Расулуллоҳ (С.А.В.) сўрадилар: - Ал-Қаъамани танийдиган яна бирор киши қолдими?

Йиғилганлардан бири айтди.

- Ҳа, бу ердан унча узоқ бўлмаган жойда унинг онаси яшайди.

Расулуллоҳ (С.А.В.) бир неча нафар саҳоба билан ал-Қаъаманинг онаси ҳузурига бордилар ва айтдилар:

- Эй, Волидаи муҳтарама! Сизнинг ўғлингиз ва бизнинг сафдошларимиз бўлмиш ал-Қаъама жон бериш арафасида. Сиз ундан розимисиз?

- Йўқ! - деди Она, - чунки кўп йиллар аввал у менинг сўзимга ноҳақ қарши чиққанди, мени ранжитганди. Узрхоҳлик қилмаганди.

Расулуллоҳ (С.А.В.) айтдилар:

- Ўғлингизнинг эзгу ишлари жуда кўп, лекин ҳозир калима келтира олмай, минг азобда ётибди, сиз рози бўлмагунча, у калима келтиролмас!

Бу гапни эшитиб онанинг кўзлари ёшланди ва:

- Ё, Расулуллоҳ! Сизлар гувоҳ бўлинглар, мен ўғлим ал-Қаъамадан мингдан-минг розиман! - деб айтди.

Саҳобалар ал-Қаъама ётган ҳужра томонга югурдилар. Улар эшикдан киришлари билан ал-Қаъаманинг овози эшитилди:

- Ло илаҳа иллаллаҳу Муҳаммад ар-расулуллоҳ!

Сўнгра жон таслим қилди.

Жаноби Расулуллоҳ (С.А.В.) барчага қарата марҳамат қилдилар:

- Аё, аҳли жамоа! Сиз ўйлайсизки, имон келтириб мўъмин бўлдим, намозимни канда қилмаяпман, Муҳаммад билан жиҳодга бораяпман, мен - жаннатий бўламан, деб! Йўқ, кимки жаннатга кирмоқ учун шу ишларнинг ўзи кифоя деб билса, қаттиқ янглишади! Билиб қўйинг: «Ал-жаннати таҳта ақдами уммаҳатикум!» («Жаннат оналарингиз оёғи остидадир!») Бугунги ал-Қаъама воқеаси бунга ибрат бўлгай!

Дилмурод САЙИИД

Мактаб-маҳалла-оила

ТАРБИЯ ИШИ УЧУН ҲАММА МАСЪУЛ

Жумладан бугун маҳалла ҳам

Бола тарбиясига шарқда азалдан алоҳида эътибор билан ёндошилган. Бугунги кунда ёшлар тарбияси, уларга таълим бериш масаласи айниқса долзарб. Келажак авлодни жисмонан ва маънан бақувват этиб тарбиялаш учун бир эмас, бир нечта соҳаларнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари талаб этилади. Маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлигига жойларда алоҳида эътибор қаратилаяпти, бу бежиз эмас албатта. Сурхондарё вилоятининг Ангор ва Музработ туманлари халқ таълими бўлими мутасаддилари - Й.ЭГАМБЕРДИЕВ ва Д.ҚОДИРОВни ҳам айнан шу мавзуда фикр билдиришга чорладик.

- «Бир болага етти қўшни ота-она» ёки «Маҳалланг - ота-онанг» деган тушунчалар айнан бугун, яъни маҳаллаларимиз фаолияти кундан-кунга ривожланаётган паллада ҳаёт тарзимизга чуқурроқ кириб бормоқда.

Маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлиги туманларингизда қай даражада?

Й.ЭГАМБЕРДИЕВ: - Шарқона турмуш тарзидан олиб қарасак, инсон тарбия алифбосини оилада тарбия олади. Албатта, инсоннинг шахс сифатида шаклланишида маҳалла кўйининг ўрни катта. Айниқса, жамоада ўзини тута билиш, кўпчилик билан муомала қилиш кўникмасини ҳар бир киши ёшлигидан маҳаллада ўрганади. Шунинг учун мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги ёшлар тарбиясида яхши натижаларни бериши табиий.

Маълумки, айни пайтда ҳукуматимизнинг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг биринчи босқичига якун ясалиб, республика миқёсида дастурнинг иккинчи босқичидаги тадбирлар ижросига киришилди. Туманимизда 41 та умумий ўрта таълим, 23 та мактабгача таълим муассасаси бор. Афсуски, айрим ота-оналарнинг беэътиборлиги туфайли дарсларга сабабсиз қатнашмайдиган болалар ҳам учраб туради. Бундай вазиятда маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги айниқса яхши натижа бермоқда. Чунки ота-оналар аксарият ҳолларда болаларининг мактабга бормаётганини «Фарзандим меҳнатга, рўзғор ишларига кўниксин-да» дея изоҳлайдилар. Мана шундай ҳолларда маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ота-оналар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда мактаблар маъмурияти билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқдалар.

Д.ҚОДИРОВ: - Мана энди маҳаллаларимизда педагог-тарбиячилар фаолияти йўлга қўйилди. Маҳалла-мактаб-оила ҳамкорлигида педагог-тарбиячиларнинг аҳамияти катта. Эътиборли томони шундаки, айни кунда маҳаллада ишлаётган педагог-тарбиячиларнинг аксарияти айнан таълим соҳаси мутахассислари, ўқитувчилардир. Улар ўз фаолиятларида маҳаллада ёшлар билан алоҳида ишлаш учун махсус иш режасига эга бўлишлари шарт. Ана шу режаларни тузиш ва амалга оширишда педагог-тарбиячилар маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги мактаблар билан, қолаверса туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорлик қилмоқдалар. Айни пайтда биз ҳам педагог-тарбиячиларга услубий ёрдамлар бермоқдамиз.

- Иш бор жойда албатта муаммолар ҳам бўлади. Халқ таълими соҳаси ҳам бундан мустасно бўлмаса керак.

Д.ҚОДИРОВ: - Муаммолар бор албатта. Янги чиқарилган дарсликлар тақчиллиги менимча кўплаб ҳудудларда мавжуд. Шунингдек, ўқитувчиларимизнинг янги дастурлар асосида ишлашлари учун малакаларини доимо ошириб бориш талаб этилади. Бу жараён қўшимча маблағни талаб этади.

Й.ЭГАМБЕРДИЕВ: - Яна бир муаммо - ёзги таътил даврида мактаблар ва бошқа ўқув масканларини таъмирлаш ишлари билан боғлиқ. Афсуски, айрим хўжалик раҳбарлари хўжаликлари ҳудудида жойлашган, ўз ишчиларининг фарзандлари таҳсил оладиган масканларнинг таъмирланишига беэътибор бўлмоқдалар.

Ўзингизга маълум, шахсан Президентимизнинг ташаббуслари билан «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси» тузилди. Бу тадбир ёшларимизни соғлом, ҳар жиҳатдан етук тарбиялашимизда янги имкониятлар ва йўналишларга йўл очди. Жойларда спорт иншоотлари қуриш, малакали кадрлар билан таъминлаш масаласи бугун жуда долзарб. Бугунги кунда нафақат бизнинг туманларимиз, балки бутун республикамизда халқ таълими соҳасида ишлаётган ходимларнинг мақсадимиз битта - келажак авлодимизнинг ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига эришиш. Бу мақсад йўлида муаммоларни ечишга, янги имкониятлар излашга тўғри келади, албатта.

Суҳбатдош: Омон ШУКУРОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА «Mahalla» мухбирлари.

Гулнора Ибрагимова моҳир зардўз сифатида нафақат Навоий вилоятининг Хатирчи туманида, балки қўшни туманларда ҳам довруғ солган . Айни кунда Гулнора опа бу кўҳна ҳунармандчиликнинг сир-асрорларини ёшларга ўргатмоқда.

- Ёш қизларимизнинг зардўзликни ўрганишга бўлган иштиёқларини, меҳрларини кўриб ўзим завқланиб кетаман. Улардан донгдор зардўзлар чиқишига умид қиламан, - дейди Гулнора опа фахр билан.

М.ХЎЖАМБЕРДИЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳри

БАРАКАЛЛА, ОҚСОҚОЛ!

Ҳар бир ўзбек хонадони ҳар қандай тадбирни хоҳ тўй бўлсин, хоҳ байрам бўлсин, ўз уйини, ҳовлисини тозалашдан бошлайди.

Бизнинг маҳалламиз Тошкентнинг Олой бозори ҳудудида жойлашган. Айнан биз истиқомат қиладиган кўп қаватли уйнинг санитария ҳолати хароб бўлиб, ахлатни олиб кетиш иши ўлда-жўлда эди.

Маҳалламизга яқинда оқсоқоликка сайланган Мамлакат Камолова ташаббуси билан Қурбон ҳайити арафасида ёш-яланглар, маҳалла фаоллари ёрдамида кўп қаватли уйларнинг атрофи тозаланиб, сариштa бўлди. Ҳайит байрами ҳам кўнгилли ўтди. Мамлакатхон фаолиятини ободонлаштириш ишларидан боҳабар. Аёл киши бўлсада оқсоқолимиз маҳаллада анчадан бери ечилмаётган муаммоларни қатъият билан ҳал этишга киришди. Маҳалламиз аҳли бундан беҳад мамнун.

Р.ТОШМУҲАМЕДОВА, Юнусобод тумани Турон маҳалласи фуқароси.

Ҳажвия

«ИНДАМАГАН ЮТАДИ»

Салим билан Соливой болаликдан қадрдон. Бир синфнинг охирги партасида ўтириб шаҳодатнома олгунча тишни-тишга қўйиб кутишган. Ўшанда ўқитувчилар улардан, булар эса мактабдан қутилишганига минг шукр қилишганди. Кейин Салим кассобга, Соливой ошпазга шогирдликка тушди. Соливой ўзини ўнглаб олгач, шартта уйланди-ю, шаҳар чеккасидан катта ҳовли сотиб олиб ошхонада ошпаз, Салим эса шаҳар марказидаги энг катта гўшт дўконида сотувчи бўлиб олди.

Тақдир уларни тез-тез учраштириб турарди. Бугун ҳам ишдан кейин «Тошкент» ресторанида бўладиган учрашувни ўйлаганда ҳузурдан Салимнинг кўзлари юмилай деб қолди.

Учта қадаҳ айлангандан кейин Салим «индамас» лақабига зид равишда ҳасратини тўкди.

- Мен сенга айтсам, Соливой, индамаслик ҳам яхши фазилат экан. Тунов куни дегин, дўконимиз «текшир-текшир»га тушиб қолди. Гўштга қуруқ суякни кўмма қилиб сотаётган эдим. Текширувчи «нега ундай, нимага бундай» деб роса эзмалик қилди. Совуттичда сақланаётган қоқ суякларни топиб олди. Ҳужжатлаштираётганда ташқарига имладим. «Олмаса нима қиламан» деган хаёлдан юрагим қинидан чиқиб кетаёзди. Йўқ, хайрият, бу гал ҳам фалокат мени четлаб ўтди. Шартта бир тахлам беш юзталикни чўнтагига солиб қўйдим. Унинг бир қоши юқорига кўтарилиб, жиддий боққан кўзлари мулойимлашганидан онаси танглайини пул билан кўтарганини пайқадим. Кейин кўпчилик олдида у: «Салимбой индамас бўлса ҳам ўз ишига жуда пухта, киндигида кири йўқ йигит экан», деб мени мақтади.

Тунов куни дегин, бир шляпалик навбатда турмай: «Бир килогина тортворинг, вақтим зиқ», - деб қолди. Ҳўмрайдим-у, индамадим. Уч-тўрт доимий мижозларим дарров уни навбатга турғазиб қўйишди. Гўштини ҳам олди. Лекин ноинсоф гапнинг ёғлиқ жойидан ушлаб олса бўладими?! «Нега ярмисидан кўпи суяк?!» - дейди. Миқ этмадим. «Ахир, гўшт билан суякнинг нархини ҳам чақиб кўриш керак», - вайсади яна. Бездай бўзрайиб туравердим. Шунда содда харидорлардан бири жонимга оро кирди. «Ҳа, авлиёмидингиз, сизга ёғлиқ жойидан тортиб берса. Эл қатори олаяпсиз-ку!».

- Йўқ, - деди шляпали, - мен авлиё эмасман, мухбирман. Сизларга ҳам нотўғри улашаяпти...

Биласанми, Соливой, энсам чандирдек қотиб кетди. Мухбирмисан, дўхтирмисан, менинг неча пуллик ишим бор. Ахир, барча қатори тегишингни олдингми - тошингни теравермайсанми?! Йўқ, у дўконни ёптирди. Уч-тўрт гувоҳга актга қўл қўйдириб олди. Тарозидан уриб қолаётганимни ҳам кузатиб турган эканда, бу шляпа.

- Ташқарига имламадингми?

- Эй, дўстим, имлайвериб кўзимнинг қорачиғи кенгайиб кетди-ку! - Ҳаммасини шу ерда ҳал қиламиз, - деди ноинсоф.

- Кейин-чи?

- Кейин... Кейин нима бўларди, газетада отнинг калласидек мақола босилди. Яна мудиримиз жонимга оро кирди. Сотувчимиз ҳали ёш, бола-чақаси бор, деди. Каминани уришди, сўкди - индамадим, хуллас, бошимга қўнай деб турган балоларни даф қилди. Мусичанинг инидек бошқа гўшт дўконига ўтказишди...

Соливой қойил қолгандек қўлларини бир-бирига ишқалаб: «Баракалла, ота ўғил» деди-ю, навбатдаги қадаҳни уриштирди. Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолганди. Официант улар ёнига келиб, чўт қоқди-да:

- Ун икки минг юз йигирма бир сўм, - деди.

Соливой официантга пул узатди. Лекин Салим бу гал ҳам индамади. Чунки «индамаган ютади» деб отаси раҳматли васият қилиб кетганди-да. Қўйма қулоқли шундай фарзандга балли-е!...

Уста НАБИ.

Билмасангиз, билиб олинг!



Сотувчи (ишлаб чиқарувчи, бажарувчи) истеъмолчига сифатсиз маҳсулот сотиш (хизмат кўрсатиш) натижасида келтирилган зарар учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги **қонунидан**

А.ҲАКИМОВ чизган.

ЯНТИСИДАН БОР

Бир киши уйига келган меҳмон бир неча кун ўтгач ҳам кетавермагач аччиқлана бошлади. Мезбон эртаси куни ишдан қовоғини уйиб қайтди:

- Ташқарида об-ҳаво қандай экан, - сўради меҳмон.

- Жуда яхши, айни меҳмонлар уйига қайтадиган об-ҳаво бўлянти...

—Жонгинам, тўйимиз ўтгандан кейин бизнинг бир ўғил, бир қизимиз бўлади.

—Буни қаердан билдинг?

—Улар ҳозир ойимникида.

МУНАЖЖИМЛАР МАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Қизиққонлик қилмасангиз, бу ҳафтада режалаштирилган барча юмушларингиз ижобий якун топади. Хушмуомила бўлинг.

СИҒИР(22.0420.05)

Шу кунларда жисмоний зўриқишдан эҳтиёт бўлинг. Уйда ҳам, ишда ҳам техника хавфсизлигига риоя қилинг.

ЭГИЗАКЛАР(22.05-21.06)

Ҳафта охиригача умумий тартиб-қоидаларни бузмаган ҳолда фаолият юритаолсангиз, марра сизники.

КИСКИЧБАКА (22.06-22.07)

Келаси чоршанбагача ҳар томонлама мувозанатингизни бузмай сақлаб туриш Сиз учун жуда муҳим.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Нима учундир ўзингизга нисбатан танқидий муносабатингиз кучайган. Бунда ўзингизга бўлган ишончингиз сусайиши мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Шу кунларда оила аъзоларингизга эътиборли бўлинг. Можарога сабабчи бўлиб қолишингиз эҳтимоли бор.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Одатда камсуқум, камгап бўлсангизда шу кунлар ҳар қандай даврани қизитадиган даражада қувноқсиз.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Турли вазиятларда чегарадан чиқиб кетиш сизга хос. Шу кунларда ўзингизни шундан эҳтиёт қилинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Олдингиздаги етти кун учун Сизга қатъий тартиб: қонун-қоида чегарасидан чиқадиган ҳеч қандай ишларга бош қўшманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Атрофдагиларнинг ғашини келтирмаслик учун давраларда ўзингизни камроқ мақтанг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)

Ҳар қандай вазиятда ҳам одил бўлишга интилинг. Одамларга нотўғри баҳо беришдан сақланинг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Кўчмас мулк билан боғлиқ масалаларда айниқса ҳушёр бўлинг, чув туширишлари эҳтимоли бор.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таънаберди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ

Навбатчи: Мавлуда ҚОСИМОВА

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75, Хатлар бўлими: 136-57-62.

7850 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-125 Топширилди– 22.50